

## ЭКСПЕРТ ТАҲЛИЛИ

### Экспертный анализ

Раимова Г., Қобилов А.

#### ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲАЖМИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Ушбу мақолада мамлакатга келувчи тўғридан-тўғридан инвестицияларга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Таҳлил учун 78 та мамлакат танланган. Бу мамлакатларнинг Жаҳон банки маълумотлари асосидаги 2000 дан 2012 йилгача бўлган даврдаги иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилган. Танланган мамлакатлар 4 та гуруҳ (ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар, ўтиш даври мамлакатлари ва кам ривожланган мамлакатлар)га бўлинган. Ҳар бир гуруҳ давлатлари учун инвестиция оқимига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсир кучи таҳлил этилган. Мақоладаги асосий модель ушбу мавзу бўйича олиб борилган эмпирик тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда танланган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, танланган мамлакатлар учун савдо муносабатларининг очиқлик даражаси муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири. У мамлакатга келувчи инвестициялар ҳажмига жиддий таъсир кўрсатади.

#### Кириш

Жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатларнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмасини оширади, иқтисодий ривожланишни жадалаштиради, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини, инвестиция қабул қилаётган мамлакатларнинг техник салоҳиятини ўстиради ва аҳоли бандлигини оширишга таъсир кўрсатади. Лекин жаҳон иқтисодиётида ҳеч бир инвестор бошқа мамлакат ва минтақаларга ўз-ўзидан капитал киритмайди. Бунинг учун хорижий инвесторларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш, уларни айнан шу мамлакатга, минтақага инвестиция киритиши учун қизиқтириш, уларда моддий манфаатдорликни шакллантириш лозим. Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида таъкидлаб ўтганидек: "Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди"<sup>1</sup>. Шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестиция ҳажмига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш долзарб вазифа ҳисобланади.

**РАИМОВА Гулнора**, физика-математика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқарув Академиясининг "Қарорларни қабул қилиш назарияси" кафедраси.

**ҚОБИЛОВ Анвар Эшпўлатович**, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистри.

### Эмпирик таҳлил

Жалб қилиниш мақсадига кўра хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) ва портфелли инвестицияларга бўлинади. Тадқиқотларга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодийдаги ижобий таъсирига юқори-роқ устуворлик берилади. ТТХИ ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг асосий манбаси бўлиши билан бирга, янги замонавий технологиялар, илғор бошқарув услублари орқали инсоний капитални ривожлантиришнинг мақбул усули ҳам ҳисобланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда эса корхоналардаги капитал, технология, замонавий бошқарув, техника ва малакали ресурслари етарлича эмас ва бу улар иқтисодийотига ТТХИ жалб қилишнинг зарур эканлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

ТТХИ мамлакат иқтисодийоти учун жаҳон капиталлар бозорига чиқиш баробарида у ерда товарлар ва хизматлар савдосида қатнашиш имкониятини беради. Чунки ТТХИ мамлакат экспорт салоҳиятини оширишни таъминлайди ва шу орқали ЯИМ ҳажмининг ошишига сабаб бўлади. Амалга оширилган эмпирик таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, ТТХИ захираларининг ЯИМга нисбатан 1% бирликка ошиши ЯИМнинг 0.4% га ошишига сабаб бўлар экан. Ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 14% бирликка ортса, ЯИМнинг 5.6% ошишига олиб келади<sup>3</sup>.

Ҳозирги кунда ТТХИлар оқими дунё мамлакатларида нотекис тақсимланганлигининг сабабчиси сифатида бир қатор иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, технологик омилларни санаб ўтиш мумкин. Тадқиқотчилар томонидан инвестициялар ҳажмининг ўзгариши турли омиллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Ф. Кампос ва Ю.Киношитарнинг тадқиқотларида 1990-1998 йилларда 25 та ўтиш даври мамлакатлари иқтисодийоти-

**Инвестициялар мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун муҳим саналади.**

га жалб қилинган ТТХИ ҳажмига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар сифатида институционал ўзгаришлар ва савдо муносабатларининг очиқлик даражаси санаб ўтилган<sup>4</sup>.

П. Саху тадқиқотларига кўра, 5 та Жанубий Осиё мамлакатлари (Ҳиндистон, Покистон, Шри Ланка ва Непал)даги ТТХИ ҳажмига миллий бозор ҳажми, ишчи кучининг ўсиш даражаси, инфраструктура индекси ва савдо очиқлиги даражаси катта таъсир кўрсатган<sup>5</sup>.

Е. Клив томонидан 16 та Африка мамлакатларидаги инвестицион муҳитни ўрганиб чиқиш натижалари далолат беришича, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши бозор ҳажми, инфраструктуранинг ривожланиш даражаси, ишчи кучининг салоҳияти ва нархи каби омиллар билан боғланади<sup>6</sup>. Шунингдек, муаллиф фикрига кўра, сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, мулкчилик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва инвестицияни рағбатлантирувчи тартибларнинг жорий қилиниши инвестиция ҳажмининг ўзгаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

М.Салахуддин ва Р.Исламларнинг 97 та ривожланаётган мамлакатлар учун 1973-2002 йиллар бўйича ўтказган тадқиқотларига кўра, инвестиция ҳажми учун савдо муносабатларининг очиқлик даражаси муҳим аҳамиятта эга бўлган омиллардан биридир<sup>7</sup>.

П.Мауро ўзининг изланишларида айрим мамлакатлар бўйича ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра, "коррупция индикатори"ни инвестициялар ҳажми билан тескари боғлиқлигини таъкидлаб ўтган<sup>8</sup>. А. Брунетти ва Б.Ведерлар институционал омилларни таҳлил қилиш орқали инвестиция ҳажмига энг катта салбий таъсир кўрсатадиган омиллар жумласида қонунларнинг ишламаслиги, юқори даражадаги коррупция ва реал алмашув курсларидаги беқарорликларни санаб ўтишган<sup>9</sup>.

Инвестиция ҳажмига таъсир этадиган омилларнинг эмпирик таҳлили шуни кўрсатадики, савдо муносабатларининг очиқлик даражаси, инфратузилма индекси, ишчи кучининг салоҳияти ва нархи, солиқ юки, валюталар алмашув курси, фоиз ставкаси каби омиллар иқтисодийотта четдан жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми учун муҳим аҳамиятта эга. Лекин, олиб борилган тадқиқот ишлари 2004 йилгача бўлган даврларни қамраб

олганлиги, охирги 10 йил давомида жаҳон иқтисодиётида кўшлаб иқтисодий, молиявий, институционал муаммолар юзага келганлиги, инвестициялар оқими географиясида сезиларли ўзгаришлар кузатилганлиги сабабли инвестициялар ҳажмига таъсир қилувчи омилларни янгидан тадқиқ қилиш талаб этилади.

### Маълумотлар базаси ва тадқиқот методологияси

Тадқиқотимизда Жаҳон Банки маълумотлари асосида танланган 78 та мамлакатнинг 2000-2012 йиллардаги инвестиция ҳажмининг ўсиш даражаси ва инвестицияга таъсир қилувчи омилларини ўрганган ҳолда статистик таҳлил амалга оширилди. Шунингдек, статистик таҳлилда танланган мамлакатлар шартли равишда 4 та гуруҳ (ривожланган, ривожланаётган, ўтиш даври ва кам ривожланган мамлакатлар)га бўлиниб, ҳар бир мамлакатлар гуруҳи учун тегишли хулосалар қилинди. Ривожланган мамлакатлар сифатида ЯИМ ҳажми бўйича дунё мамлакатлари рейтингдаги дастлабки 20 та давлат, ривожланаётган мамлакатлар сифатида ЯИМ ҳажми бўйича дунё рейтингдаги 21-40 ўриндаги мамлакатлар, ўтиш даври мамлакатлари сифатида собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин мустақил бўлган давлатлар ҳамда 1991 йилгача социалистик режим мавжуд бўлган Европа мамлакатлари олинди. Кам ривожланган мамлакатлар сифатида ЯИМ ҳажми ва жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми паст бўлган давлатлар танланди (мамлакатлар рўйхати илова қилинади.)

Тадқиқот ишлари учун қуйидаги модель асос қилиб олинди:

Хорижий инвестицияларнинг ҳажми кўп жиҳатдан ички савдо муносабатларининг очиқлик даражасига боғлиқ.

Бу ерда:  
FDI (foreign direct investment) – тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши (%);

GR (grows rate of per capita GDP) - аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиш даражаси (%);

DEP (age dependency ratio) - аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси (15 ёшдан кичик ва 64 ёшдан ошган аҳоли қисмининг 15-64 ёшдаги жами аҳоли сони нисбати);

GDS (gross domestic savings) -Ялпи маҳаллий жамғармалар (ЯИМга нисбатан % ҳисобида);

TO (trade openness) -савдо очиқлиги даражаси (экспорт + импорт/ЯИМ)

INF (inflation) - инфляция даражаси;

RIR (real interest rate) - реал фоиз ставкаси (номинал фоиз ставкаси - инфляция даражаси);

$\varepsilon_{it}$  - хатоликни кўрсатувчи индикатор;

$i$  - танланган мамлакат ва  $t$  -танланган муддатни ифодалайди.

ТТХИлар ҳажми билан ўрганилаётган омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқ тасаввур этиш хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамиятта эга.

Мамлакатга кириб келадиган ТТХИ ҳажмига таъсир қилувчи омиллар сифатида қуйидаги кўрсаткичлар танлаб олинди:

Жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг ўсиш даражаси (GR) мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг қай даражада эканлигини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси (DEP) коэффициенти аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмига нисбатан олганда қанча миқдорда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам тўғри келишини билдиради. Ушбу коэффицентнинг юқори бўлиши мамлакатда ишчи кучининг етишмаслиги, аҳоли таркибида нафақа олувчилар ёки болалар сонининг кўплиги, туғилиш сонининг юқори ёки пастлиги, давлатнинг ижтимоий мақсадларга йўналтирилган харажатлари ва солиқ ставкаларининг юқори бўлиши билан изоҳланади.

Ялпи миллий жамғармалар кўрсаткичи (GDS) ЯИМдан жами истеъмол харажатларининг айирмаси орқали топилиб, ушбу кўрсаткичнинг паст бўлиши мамлакатда инвестицион муҳитнинг ёмонлашганлигини, давлатнинг хорижий мамлакатлар маблағларига қарам бўлиб қолишини англатади. Ушбу кўрсаткичнинг юқори бўлиши эса юқори ўсиш

суръатларини таъминлаш, ТТХИни жалб қилишда катализатор вазифасини бажаради, мамлакатнинг молиявий рақобатбардошлигини оширади.

Инфляция даражаси (INF)нинг инвестор учун муҳимлиги шундаки, унинг юқори бўлиши инвестиция қайтимини қисқартиради, истеъмолчиларнинг харажатларига, ишсизлик даражасига, солиқ сиёсатига ва фоиз ставкаларига салбий таъсир кўрсатади.

Реал фоиз ставкаси (RIR) иқтисодиётнинг маълум вақт ичидаги кутилаётган иқтисодий ўсиш даражасини ва инвесторнинг киритган маблағига нисбатан реал даромадини тавсифлайди. Реал фоиз ставкасининг манфий бўлиши иқтисодиёт учун салбий ҳолат ҳисобланади.

### Статистик таҳлил натижалари

1-жадвалда келтирилган статистик маълумотларнинг дастлабки таҳлиliga кўра, 2000-2012 йиллар мобайнида тадқиқ қилинган 78 мамлакатда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши ўртача 4,67% ни, ривожланган мамлакатларда 2,6% ни, ривожланаётган мамлакатларда 5,6% ни, ўтиш даври мамлакатларида 6,4% ни ва кам ривожланган мамлакатларда 4,1% ни ташкил қилган. Бундан кўриш мумкинки, жалб қилинган инвестицияларнинг улуши ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатларида ортиб борган. Тадқиқ қилинган давр мобайнида жалб қилинган ТТХИнинг ЯИМга нисбатан энг юқори қиймати 2007 йилда Венгрияда кузатилган (ЯИМга нисбатан 51,9%).

Аҳолининг ёшга боғлиқлик даражаси 2000-2012 йиллар учун танланган 78 та мамлакатда ўртача 57,5 бирлик коэффициентни, ривожланган мамлакатларда 49,9 ни, ривожланаётган мамлакатларда 51,05 ни, ўтиш даври мамлакатларида 46,8 ни ва кам ривожланган мамлакатларда 81,1 ни ташкил қилган. Шунинг таъкидлаш лозимки, ривожланган ва кам ривожланган мамлакатларда охириги йилларда аҳоли ўртача ёшининг ошиб бориши ушбу коэффициентнинг юқори бўлиши ва меҳнат бозорида ишчи кучига нисбатан тақчиллик юзага келишига сабаб бўлган. Ушбу коэффициентнинг энг максимал қиймати Уганда давлатига, энг минимал қиймати БАА давлатида кузатилган.

1-жадвал

### Бошланғич статистик маълумотлар

	Кўрсаткич	Ўртача қиймат	Стандарт чеглашиш	Минимум	Медиана	Максимум
Жами 78 та мамлакат учун	FDI	4.671	6.279	-16.418	3.000	51.896
	DEP	57.459	17.418	16.543	52.000	108.207
	GR	3.224	4.338	-17.545	3.207	33.030
	GDS	19.913	16.469	-58.544	21.296	85.366
	TO	90.20	61.27	13.70	76.20	448.30
	INF	8.157	11.104	-18.932	5.530	185.291
	RIR	5.365	8.816	-41.230	4.300	51.229
Ривожланган мамлакатлар учун	FDI	2.608	2.702	-3.500	2.086	16.391
	DEP	49.858	6.246	36.000	49.650	72.185
	GR	2.353	3.325	-7.795	2.000	13.600
	GDS	26.068	9.050	12.433	24.255	55.416
	TO	59.69	27.29	13.70	56.05	167.70
	INF	5.729	7.036	-18.932	3.550	52.851
	RIR	4.261	9.259	-9.633	2.569	47.700
Ривожланаётган мамлакатлар учун	FDI	5.596	7.341	-6.744	3.184	38.651
	DEP	51.048	12.488	16.543	52.214	88.493
	GR	2.282	4.245	-13.333	2.561	30.344
	GDS	27.773	9.300	7.965	26.542	53.197
	TO	116.52	99.35	21.90	81.80	448.30
	INF	6.356	8.146	-12.753	3.850	45.943
	RIR	2.913	6.402	-18.909	3.136	29.120
Ўтиш даври мамлакатлари учун	FDI	6.415	7.463	-16.418	4.628	51.896
	DEP	46.756	5.824	37.806	46.094	71.154
	GR	4.984	5.173	-17.545	5.293	33.030
	GDS	20.16	18.24	-34.03	21.97	85.37
	TO	107.97	28.84	46.10	105.80	180.50
	INF	12.21	18.09	-18.93	7.55	185.29
	RIR	4.310	9.191	-41.230	5.034	48.056
Кам ривожланган мамлакатлар учун	FDI	4.248	5.917	-3.753	2.728	46.494
	DEP	81.105	14.039	49.771	79.716	108.207
	GR	3.444	3.996	-15.284	3.624	28.738
	GDS	5.57	17.00	-58.54	8.53	42.04
	TO	78.97	36.79	30.70	72.90	209.90
	INF	8.737	6.907	-10.949	7.412	34.193
	RIR	9.686	8.725	-17.122	8.864	51.229

Ўтиш даври мамлакатлари учун	FDI	6.415	7.463	-16.418	4.628	51.896
	DEP	46.756	5.824	37.806	46.094	71.154
	GR	4.984	5.173	-17.545	5.293	33.030
	GDS	20.16	18.24	-34.03	21.97	85.37
	TO	107.97	28.84	46.10	105.80	180.50
	INF	12.21	18.09	-18.93	7.55	185.29
	RIR	4.310	9.191	-41.230	5.034	48.056
Кам ривожланган мамлакатлар учун	FDI	4.248	5.917	-3.753	2.728	46.494
	DEP	81.105	14.039	49.771	79.716	108.207
	GR	3.444	3.996	-15.284	3.624	28.738
	GDS	5.57	17.00	-58.54	8.53	42.04
	TO	78.97	36.79	30.70	72.90	209.90
	INF	8.737	6.907	-10.949	7.412	34.193
	RIR	9.686	8.725	-17.122	8.864	51.229

Жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ўсиш ҳажми танланган барча мамлакатларда 2000-2012 йиллар мобайнида ўртача 3,2% ни, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда 2,3% ни, ўтиш даври мамлакатлари 4,98% ни ва кам ривожланган давлатларда ўртача 3,44% ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичдан кўриш мумкинки, ўтиш даври мамлакатларида аҳоли даромадларининг ошиши қолган гуруҳга кирувчи мамлакатларга нисбатан юқори суръатда бўлган.

Ялпи Миллий жамғармалар даражаси танланган барча мамлакатларда ўртача 19,9% ни, ривожланган мамлакатларда 26,07% ни, ривожланаётган мамлакатларда 27,8% ни ва ўтиш даври мамлакатларида 20,1% ни ташкил қилган. Танланган кам ривожланган мамлакатларда Ялпи миллий жамғармалар даражаси ўта паст бўлиб (ўртача 5,57%), ушбу гуруҳга кирувчи Тонго, Тожикистон, Қирғизистон, Гаити, Руанда давлатларида ушбу кўрсаткичнинг иқтисодий ўсими ўта салбий бўлган манфий қийматлари кузатилган ва ушбу давлатларнинг ташқи қарзи миқдорининг ошишига сабаб бўлган.

Савдо муносабатларининг очиқлик даражаси коэффициенти танланган барча мамлакатларда ўртача 90,2% ни, ривожланган мамлакатларда ўртача 59,7% ни, ривожланаётган мамлакатларда 116,7% ни, ўтиш даври мамлакатларида 107,97% ни, кам ривожланган мамлакатларда 78,97% ни ташкил қилган. Ушбу коэффициентнинг энг юқори қиймати Гонгконг ва Сингапур давлатларида кузатилган. 2000-2012 йиллар мобайнида савдо муносабатларининг очиқлик коэффициенти Сингапурда ўртача ЯИМга нисбатан 393% ни, Гонгконгда 369% ни ташкил қилган.

Инфляция даражаси тадқиқот объекти сифатида танланган барча мамлакатларда ўртача 8,1% ни ташкил қилган бўлса, ривожланган мамлакатларда 5,7% ни, ривожланаётган мамлакатларда 6,3% ни, ўтиш даври мамлакатларида 12,2% ва кам ривожланган мамлакатларда 8,7% ни ташкил қилган. Инфляциянинг энг юқори даражаси танланган давр мобайнида 2000 йилда Белоруссияда кузатилган (185,3%).

Реал фоиз ставкасининг ўртача даражаси танланган мамлакатларда 5,3% ни, ривожланган мамлакатларда 4,2% ни, ривожланаётган мамлакатларда 2,9% ни, ўтиш даври мамлакатларида 4,3% ни ва кам ривожланган мамлакатларда 9,7% ни ташкил қилган. Реал фоиз ставкасининг энг юқори салбий қиймати 2000 йилда Белоруссияда кузатилган (-41,2%).

Таҳлил қилинаётган омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш учун корреляцион таҳлил усулидан фойдаланамиз (2-жадвал).

2-жадвал

## Танланган 78 мамлакат учун корреляция матрицаси

	FDI	DEP	GR	GDS	TO	INF	RIR
FDI	1.0000						
DEP	-0.0178	1.0000					
GR	0.102	0.0322	1.0000				
GDS	0.0949	-0.4238	0.1250	1.0000			
TO	0.7309	-0.2919	0.0506	0.1406	1.0000		
INF	0.0144	0.0735	0.1435	-0.0339	-0.0826	1.0000	
RIR	0.0158	0.2956	-0.0485	-0.2041	-0.1041	-0.4219	1.0000

Танланган барча мамлакатлар учун ТТХИ ва мавжуд омиллар ўртасида корреляция матрицаси шуни кўрсатадики, ТТХИ ва савдо муносабатларининг очиқлик даражаси ўртасида анча юқори даражали боғлиқлик мавжуд бўлса (0.73), қолган омиллар билан боғлиқлик аҳамиятли эмас.

Ривожланган мамлакатлар учун корреляция матрицаси (3-жадвал) таҳлиliga кўра, ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатлар учун ТТХИга Ялпи миллий жамғармалар ҳажмининг таъсири ортган: 2-жадвалда бу кўрсаткич 0.0949 ни ташкил этган бўлса, 3-жадвалда 0.4254 га кўпайди. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатлар Ялпи миллий жамғармаларининг аҳамияти савдо муносабатларининг очиқлик даражасига кўра муҳимроқ аҳамият касб этади. Шунингдек, ТТХИ ва аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси ўртасида кучли бўлмаган манфий боғлиқлик мавжуд. Омилларни ўзаро жуфтлик солиштириш асосида кўриш мумкинки, ривожланган мамлакатларда аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси ва Ялпи миллий жамғармалар ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик, Ялпи миллий жамғармалар ва жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг ўсиш даражаси ўртасида бево-сита боғлиқлик мавжуд.

3-жадвал

20 та ривожланган мамлакат учун корреляция матрицаси

	FDI	DEP	GR	GDS	TO	INF	RIR
FDI	1.0000						
DEP	-0.3895	1.0000					
GR	0.2861	0.3558	1.0000				
GDS	0.4254	-0.4967	0.63205	1.0000			
TO	-0.0611	-0.1870	-0.00287	0.2423	1.0000		
INF	0.0745	-0.01670	0.43767	0.4506	-0.38104	1.0000	
RIR	0.1507	0.00280	0.15150	0.0651	-0.1572	0.16145	1.0000

Ривожланаётган мамлакатлар учун корреляция матрицаси (4-жадвал) таҳлиliga кўра, ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатлар учун савдо муносабатларининг очиқлиги жуда муҳим аҳамиятга эга (корреляция 0,87). Шунингдек, ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларда туғилиш сонининг камайиши ҳисобига аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси ТТХИ ҳажмига тескари боғлиқликка эга. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатлар (Сингапур, Гонгконг, Малайзия, Таиланд, БАА) да экспорт ва импортни қўллаб-қувватловчи давлат сиёсатининг олиб борилганлиги, дунёдаги йирик компания ва фирмаларнинг аксарияти, ўз ишлаб чиқариш тизимини ушбу мамлакатларга кўчиргани ТТХИ ҳажмига ижобий таъсир кўрсатиб, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилган. Шунингдек, ушбу гуруҳ мамлакатларида савдо муносабатларининг очиқлик даражасининг юқори бўлиши Ялпи миллий жамғармалар ҳажмининг ошишига сабаб бўлган.

4-жадвал

20 та ривожланаётган мамлакат учун корреляция матрицаси

	FDI	DEP	GR	GDS	TO	INF	RIR
FDI	1.0000						
DEP	-0.2925	1.0000					
GR	0.1401	0.2779	1.0000				
GDS	0.2321	-0.4694	-0.1364	1.0000			
TO	0.8759	-0.4987	-0.0270	0.5128	1.0000		
INF	-0.3401	-0.1755	-0.0928	0.1446	-0.2769	1.0000	
RIR	-0.0183	0.3845	0.3076	-0.1742	-0.0117	-0.2136	1.0000

Ўтиш даври мамлакатлари учун корреляция матрицаси (5-жадвал) таҳлиlidан кўриш мумкинки, ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатларнинг аксариятида демографик ҳолат яхшилиги сабабли аҳоли ёшининг боғлиқлик даражаси унчалик аҳамиятга эга эмас. Жон бошига нисбатан олганда тўғри ЯИМ ҳажмининг ошиши ва Ялпи Миллий жамғармаларнинг ТТХИ билан боғлиқлик даражасининг ошганлиги (GR учун 0,40; GDS учун 0,42)

кузатилган. Шунингдек, инфляция ва реал фоиз ставкалари орасидаги ўзаро кучли манфий боғлиқлик (-0.85) нинг мавжудлиги, ушбу мамлакатларда пул-кредит сиёсатини тартибга солишни талаб қилади.

5-жадвал

## 18 та ўтиш даври мамлакатлари учун корреляция матрицаси

	FDI	DEP	GR	GDS	TO	INF	RIR
FDI	1.0000						
DEP	-0.0118	1.0000					
GR	0.4065	0.2299	1.0000				
GDS	0.4259	-0.3229	0.2056	1.0000			
TO	0.1323	-0.3499	0.0320	0.0641	1.0000		
INF	0.3603	-0.0989	0.1396	0.1703	0.1104	1.0000	
RIR	-0.0937	0.42382	-0.1314	-0.4428	-0.3142	-0.8501	1.0000

Кам ривожланган мамлакатлар учун корреляция коэффициенти матрицасидан кўриш мумкинки (6-жадвал), ТТХИ ҳажми ва савдо муносабатларининг очиқлик даражаси ўрта-сида тўғри боғлиқлик мавжуд. Лекин, ушбу мамлакатларда сиёсий тузумнинг беқарорлиги, инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги, иқтисодий ўсишнинг ўта сустлиги оқибатида жалб қилинаётган ТТХИ ҳажми ҳамон пастлигича қолмоқда.

6-жадвал

## 20 та кам ривожланган мамлакатлар учун корреляция матрицаси

	FDI	DEP	GR	GDS	TO	INF	RIR
FDI	1.0000						
DEP	0.1733	1.0000					
GR	-0.0892	-0.5486	1.0000				
GDS	-0.0725	0.1668	0.0158	1.0000			
TO	0.5255	-0.3011	-0.0925	-0.28575	1.0000		
INF	0.0401	-0.1331	0.0714	-0.0871	0.1924	1.0000	
RIR	0.0434	0.2819	-0.2742	0.0933	-0.3450	0.2668	1.0000

Тадқиқот доирасида танланган базавий модель асосида ТТХИ ҳажми ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар билан якуний регрессия моделини қуришда 95% аниқлик кўрсаткичи асосий мезон сифатида танланди,  $P\text{-value} > 0.05$  қиймати кузатилган ўзгарувчи кўрсаткичлар моделдан тушириб қолдирилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, якуний прогноз модели танланган мамлакатлар гуруҳи учун турлича кўринишга эга бўлди (7-жадвал). Хусусан, танлаб олинган 78 мамлакат учун регрессия моделида  $P\text{-value} > 0.05$  нинг кузатилганлиги сабабли GR, GDS, INF, RIR кўрсаткичлари тушириб қолдирилди. Регрессия модели асосида 95% аниқлик билан хулоса қилиш мумкинки, танланган барча мамлакатлар учун аҳоли ёшининг боғлиқлик коэффициентининг 0.08 бирликка ва савдо муносабатларининг очиқлик даражасининг 0.07 бирликка ошиши ТТХИ ҳажмининг 1 бирликка ошишига сабаб бўлар экан. Ушбу моделдан прогноз модели сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ, чунки моделнинг детерминация коэффициенти  $R^2$  нинг қиймати (58,65) анча юқори.

Ривожланган мамлакатлар учун якуний регрессия моделида фақатгина TO кўрсаткичи моделдаги ўрнини сақлаб қолди, лекин  $R^2$  нинг қиймати (7,5%) паст бўлганлиги сабабли, ушбу моделдан башорат модели сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ривожланаётган мамлакатлар учун башорат моделини қуришда DEP, GR, GDS, INF, RIR ўзгарувчилар учун  $P\text{-value}$ нинг қиймати 0.05 дан катта бўлганлиги сабабли, моделда фақат TO сақлаб қолинди. Ушбу гуруҳга кирувчи мамлакатлар учун савдо муносабатларининг очиқлик даражасининг 0.08 бирликка ошиши ТТХИ ҳажмининг 1 бирликка ошишига сабаб бўлар экан.  $R^2$  қийматининг юқорилиги (77,2%) сабабли танланган моделдан ТТХИ ҳажмини башорат қилиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Ўтиш даври мамлакатлари учун регрессия моделида фақатгина GR кўрсаткичи моделдаги ўрнини сақлаб қолди, лекин R2 нинг қиймати (7.2%) паст бўлганлиги сабабли, ушбу моделдан прогнослаштириш модели сифатида фойдаланиш унчалик аҳамиятли эмас.

Кам ривожланган мамлакатлар учун регрессия моделида ТТХИ ҳажмига таъсир кўрсатадиган ўзгарувчи кўрсаткичлар сифатида ТО ўз ўрнини сақлаб қолди. Лекин, ушбу моделда R2 қийматининг унчалик юқори эмаслиги (27,6%), кам ривожланган мамлакатларга жалб қилинаётган ТТХИ ҳажмини савдо муносабатларининг очиқлик даражаси кўрсаткичи билан сифатли башорат қилиш имконини бермайди.

7-жадвал

Тадқиқ қилинган мамлакатлар гуруҳи учун регрессия модели

	Кўрсаткичлар	Кoeffицент	P-value
Танланган барча мамлакатлар учун	Константа	-6.932	0.001
	DEP	0.08420	0.004
	ТО	0.073952	0.000
	Башорат модели	$FDI = - 6.93 + 0.0842 DEP + 0.0740 TO$	
	R <sup>2</sup>	58.6%	
Ривожланган мамлакатлар учун	Константа	0.988	0.012
	ТО	0.0271	0.000
	Башорат модели	$FDI = 0.988 + 0.0271 TO$	
	R <sup>2</sup>	7.5%	
Ривожланаётган мамлакатлар учун	Константа	-2.941	0.013
	ТО	0.0792	0.000
	Башорат модели	$FDI = - 2.94 + 0.0792 TO$	
	R <sup>2</sup>	77.2%	
Ўтиш даври мамлакатлари учун	Константа	4.48	0.000
	GR	0.387	0.000
	Башорат модели	$FDI = 4.48 + 0.387 GR$	
	R <sup>2</sup>	7.2%	
Кам ривожланган мамлакатлар учун	Константа	-2.040	0.018
	ТО	0.09055	0.017
	Башорат модели	$FDI = - 2.04 + 0.0906 TO$	
	R <sup>2</sup>	27.6%	

#### Хулоса

Иқтисодиётга жалб қилинаётган ТТХИ ҳажми ва унга таъсир қилаётган омиллар бўйича олиб борилган статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000-2012 йиллар давомида ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакатлари учун жалб қилинаётган ТТХИ ҳажмининг ўсиш суръати ривожланган ва кам ривожланган мамлакатларга нисбатан юқори бўлган. Тадқиқ қилинган мамлакатлар учун савдо муносабатларининг очиқлик даражаси ТТХИ учун муҳим омилдир.

Танлаб олинган мамлакатлар гуруҳларга бўлиб ўрганилганида, ривожланган ва ўтиш даври мамлакатлари учун ТТХИ ҳажми ва савдо муносабатларининг очиқлик даражаси ўртасида аҳамиятли боғлиқлик кузатилмаган бўлса-да, ривожланаётган мамлакатлар учун



ТТХИ ҳажми ва савдо муносабатларининг очиқлик даражаси орасида юқори боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳига кирувчи Сингапур, Гонконг, БАА, Малайзияда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги, ҳалқаро савдо айланмасининг юқорилиги ушбу мамлакатларда жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмининг юқорилигига сабаб бўлган.

Ўтиш даври мамлакати сифатида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётган бўлса-да, иқтисодиётимиздаги хорижий инвестициялар улушини янада ошириш, мамлакатни илғор ривожланаётган мамлакатлар қаторига киритиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- хорижий инвесторларга мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, имкониятларини кенгроқ тарғиб қилиш;
- хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш;
- бизнес юритиш шарт-шароитларини янада соддалаштириш, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш, кредитлар, божхона ҳужжатларини расмийлаштириш муддатларини янада қисқартириш;
- инфратузилма объектлари (энергия, табиий газ, сув таъминоти) нинг барқарор ишлашини таъминлаш;
- экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритиш субъектлари учун қўшимча рағбатлантирувчи механизмларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Иллом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Асосий-манба: <http://uza.uz/oz/politics/30441/>

2.Tarzi, S., Foreign Direct Investment into Developing Countries: Impact of Location and Government Policy, The Journal of Social, Political and Economic Studies, Vol.30, No.4, Winter 2005, pp 497-516

3.Dobson, W. and Hufbauer, G., World Capital markets: Challenge to the G10, Institute for International Economics, Washington, D.C.

4.Nauro F. Campos and Yuko Kinoshita. Why Does FDI Go Where it Goes? New Evidence from the Transition Economies. IMF Working Paper.

5.Sahoo, P., (2006), "Foreign Direct Investment in South Asia: Policy, Trends, Impact and Determinants", ADB Institute Discussion Paper No. 56

6.Cleeve, E., (2008), "How effective are fiscal incentives to attract FDI to Sub-Saharan Africa?", The Journal of Developing Areas, 42 (1), pp. 135-153.

7.Mohammad Salahuddin., Md. Rabiul Islam. Factors Affecting Investment in Developing Countries: A Panel Data Study. The Journal of Developing Areas, Vol. 42, No. 1 (Fall, 2008), pp. 21-37.

8.Mauro, Paolo. 1995. "Corruption and Growth". Quarterly Journal of Economics 110 (August):681-712

9.Brunetti, Aimo and Beattice Weder. Investment and Institutionla Uncertainty: A Comparative Study of Different Uncertainty Measures. IFC Technical Paper 4. Washington, D.C.

Хулоса қисмига илова

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР	РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР	ЎТИШ ДАВРИ МАМЛАКАТЛАРИ	КАМ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР
АҚШ	Швеция	Босния ва Герцеговина	Бангладеш
Хитой	Эрон	Болгария	Бутан
Япония	Норвегия	Хорватия	Чад
Германия	Полша	Чехия	Эфиопия
Франция	Белгия	Венгрия	Гондурас
Буюк Британия	Аргентина	Руминия	Гаити
Бразилия	Австрия	Сербия	Кения
Россия	ЖАР	Словакия	Қирғизистон
Италия	Венесеула	Словения	Лаос
Ҳиндистон	Колумбия	Озарбайжон	Лесотто
Канада	Таиланд	Белоруссия	Мадагаскар
Австралия	БАА	Грузия	Мауритания
Испания	Дания	Қозоғистон	Мозамбик
Мексика	Малайзия	Латвия	Намибия
Жанубий Корея	Сингапур	Молдовия	Непал
Индонезия	Чили	Туркменистон	Руанда
Туркия	Гонгконг	Украина	Тожикистон
Голландия	Миср	Ўзбекистон	Танзания
Саудия Арабистони	Нигерия		Тонго
Швейцария	Исроил		Уганда